

Нодавлат нотижорат ташкилоти
таъсисчилари умумий
йиғилишининг
2023 йил «27» февралдаги
1-сон баённомаси билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

**«O‘ZBEKISTON SERTIFIKATLANGAN MOLIYA MUTAXASSISLARI
UYUSHMASI» НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ
УСТАВИ**



Тошкент шаҳри – 2023 йил

«O‘ZBEKISTON SERTIFIKATLANGAN MOLIYA MUTAXASSISLARI UYUSHMASI» НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ УСТАВИ

I. Умумий қоидалар

1.1. «O‘zbekiston sertifikatlangan moliya mutaxassislari uyushmasi» нодавлат нотижорат ташкилоти (кейинги ўринларда – Уюшма) ўз аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган бўлиб, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат бирлашмасидир.

1.2. Уюшма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунлари, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда мазкур устав асосида амалга оширади.

1.3. Уюшма Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг юридик шахс ҳисобланади.

1.4. Уюшма ўз номига, муҳр ва штампларига ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган рамзига, тегишли банкда ўз миллий ва валюта ҳисобрақамларига ҳамда бошқа ўз фаолиятига зарур бўлган реквизитларга эга бўлиш ҳуқуқига эга.

1.5. Ўз фаолият мақсадларига эришиш учун Уюшма бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиши, мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда судда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиши мумкин.

1.6. Уюшма ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган барча мол-мулки билан жавоб беради. Давлат, давлат органлари, корхоналар ва муассасалар, Уюшманинг таъсисчилари ва аъзолари Уюшманинг мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан жавоб бермайдилар. Худди шунингдек, Уюшма давлат, давлат органлари ҳамда корхона ва муассасалар, шунингдек Уюшманинг аъзолари ва ходимларининг қарзлари ва мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

1.7. Уюшма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида амалга оширади.

1.8. Уюшманинг фаолияти номуайян муддатга ташкил қилинган.

1.9. Уюшманинг тўлиқ номи:

ўзбек тилида: «O‘zbekiston sertifikatlangan moliya mutaxassislari uyushmasi» нодавлат нотижорат ташкилоти;

рус тилида: Негосударственная некоммерческая организация «Ассоциация сертифицированных финансовых специалистов Узбекистана»;

инглиз тилида: Non-governmental organization «Association of Certified Financial Professionals of Uzbekistan».

Уюшманинг қисқартирилган номи:

ўзбек тилида: «O'zSMMU»;

рус тилида: «АСФСУз»;

инглиз тилида: «ACFPUz».

1.10. Уюшманинг доимий фаолият юритувчи раҳбар органи жойлашган ер (почта манзили): 100208, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 31-мавзе, 45а-уй.

II. Уюшманинг мақсад ва вазифалари

2.1. Уюшма фаолиятининг асосий мақсади Ўзбекистонда молия маслаҳатчилари, молия таҳлилчилари, молиявий директорлар ва бошқа молия соҳаси мутахассисликларини ривожлаштиришга кўмаклашиш ҳисобланади.

2.2. Ушбу мақсадга эришиш учун Уюшма қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:

- молия мутахассислари учун тармоқ малака доираларини ва касбий стандартларни ишлаб чиқишга кўмаклашиш;
- молия соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва ташкил қилишга кўмаклашиш;
- касбий масалаларда ўз аъзоларига вакиллик қилиш ҳамда уларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
- молия соҳаси мутахассисларининг фаолиятини ахборот билан таъминлашга кўмаклашиш.

III. Уюшманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Уюшма белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;
- ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қатнашиш;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- уставда, дастурий, бошқа ҳужжатларда белгиланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун ўз мақсадлари ва фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;
- белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ва ноширлик фаолиятини амалга ошириш;
- қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;
- ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар ва бошқа тадбирлар ўтказиш;
- қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўзининг алоҳида бўлинмаларини ташкил этиш ва улар фаолиятини таъминлаш;
- қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўз устав мақсадлари ҳамда вазифаларини бажариш учун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;
- қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларига кириш, улар билан тўғридан-тўғри халқаро алоқалар ўрнатиш, ҳамкорлик тўғрисида тегишли битимлар тузиш;
- қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқлар, йиғимлар ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа тўловлар тўлашда тегишли имтиёзлардан фойдаланиш.

Уюшма қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

3.2. Уюшма қўйидаги мажбуриятларга эга:

- қонунчилик ҳужжатларига ва Уюшма уставига риоя этиш;
- ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш, шу жумладан молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаш;
- нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида рўйхатдан ўтказувчи органга ўтказиши режалаштирилаётган тадбирларни олдиндан келишиш учун хабар қилиш ҳамда ўтказаетган тадбирларга рўйхатдан ўтказувчи орган вакилни эркин кириш имконини бериш;
- ўз вакилларининг чет мамлакатларга нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти билан боғлиқ сафарлари ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор қилиш;
- чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олиш ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор қилиш (маълумот учун) ёки рўйхатдан ўтказувчи орган билан тегишли тартибда келишиб олиш;
- рўйхатдан ўтказувчи органга, давлат солиқ хизмати органларига ва давлат статистикаси органларига ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этиш;
- ўз фаолиятининг натижалари ҳисоботини юритиш.

Уюшма қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

IV. Уюшма аъзолари, унга аъзо бўлиш ва аъзоликдан чиқариш шартлари ва тартиби, аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Уюшмага аъзо бўлиш ихтиёрийдир. Уюшма уставини тан олувчи, унинг талабларини бажарадиган, кириш бадалини тўлаган ва аъзолик бадалларини мунтазам тўлаб борадиган, Уюшманинг аъзоликка оид низомида белгиланган талабларга жавоб берадиган 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Уюшма аъзоси бўлиши мумкин.

4.2. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда Уюшманинг аъзоси бўлиши мумкин.

4.3. Жисмоний шахсларни аъзоликка қабул қилиш уларнинг ёзма аризаларига асосан Уюшма раисининг қарори билан амалга оширилади. Уюшмага аъзолик Уюшмага аъзо қилиб олинганлиги тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошланади ва унга аъзоликка қабул қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади.

4.4. Аъзоликка қабул қилинган Уюшма аъзолари, Умумий йиғилиш томонидан белгиланган миқдорларда кириш ва аъзолик бадалларини тўлайдилар. Уюшма аъзолигидан чиқишда кириш ва аъзолик бадаллари қайтарилмайди.

4.5. Уюшма ўз аъзоларига бошқа ташкилотларга аъзо бўлишига тўсқинлик қилмайди.

4.6. Уюшма аъзолигидан мажбурий тартибда маҳрум қилиш масаласи юзасидан Умумий йиғилиш қарор қабул қилади. Уюшма аъзолари ўз аризаларига асосан ихтиёрий равишда Уюшма раисининг қарори билан аъзоликдан чиқарилиши мумкин.

4.7. Уюшма аъзолигидан маҳрум бўлиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- аъзонинг Уюшма аъзолигидан ихтиёрий чиқиш тўғрисидаги ёзма аризасига кўра;
- аъзо Уюшманинг аъзоликка оид низомида белгиланган талабларга мос келмай қолганда;
- аъзолик бадаллари узрли сабабсиз қисман ёки тўлиқ тўланмаганда;
- аъзо томонидан Уюшма устави ва Уюшманинг раҳбар органларининг қарорларини мунтазам равишда бажармаганда;
- аъзо ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан Уюшма ва (ёки) Уюшма аъзоларининг молия соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ манфаатларига жиддий зарар етказганда;
- аъзо томонидан Уюшма номига доғ туширувчи ҳаракатлар содир этилганда;
- аъзо томонидан Уюшма Уставида кўзда тутилган мақсадларга зид ҳаракатлар амалга оширилганда.

4.8. Уюшманинг барча аъзолари тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

4.9. Уюшма аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- уставга асосан Уюшманинг раҳбар органларига номзодларни сайлаш ва уларга сайланиш;

- Уюшма лойиҳалари ва дастурларини режалаштириш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Уюшма фаолиятининг якунларини муҳокама қилишда иштирок этиш;
- Уюшманинг раҳбар органларига Уюшма фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича таклифлар киритиш;
- Уюшма фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ахборот олиш.

Уюшма аъзолари қонунчилик ҳужжатлари ва Уюшманинг аъзоликка оид низомига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.10. Уюшма аъзолари қуйидаги мажбуриятларга эга:

- қонунчилик ҳужжатлари ва Уюшманинг устави талабларига риоя қилиш;
- белгиланган миқдордаги кириш ва аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаб бориш;

Уюшма аъзолари қонунчилик ҳужжатлари ва Уюшманинг аъзоликка оид низомига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. Уюшманинг раҳбар ва назорат органлари

5.1. Уюшманинг раҳбар органлари қуйидагилардан иборат:

Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши (кейинги ўринларда – Умумий йиғилиш);

Уюшма Раиси;

Уюшма Директори.

5.2. Қабул қилинаётган қарорларни ишлаб чиқишда Уюшма аъзоларининг манфаатларини имкон қадар тўлиқ ҳисобга олиш мақсадида Уюшма аъзолари вакиллари ва бошқа шахслардан иборат қўмиталар, комиссиялар, шунингдек Уюшма фаолиятининг айрим масалалари бўйича ишчи ва эксперт гуруҳлари тузилиши мумкин.

Уюшманинг доимий фаолият юритувчи қўмита ва комиссиялари тўғрисидаги низомлар, уларнинг шахсий таркиби Умумий йиғилиш томонидан тасдиқланади.

Ишчи ва эксперт гуруҳлари Уюшма Раиси ва Директори томонидан зарурат бўлганда вақтинча асосда шакллантирилади. Ишчи ва эксперт гуруҳларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби, уларнинг шахсий таркиби Уюшманинг уларни тузган органи томонидан белгиланади.

5.3. Уюшманинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилувчи орган тафтиш комиссияси (тафтишчи) ҳисобланади.

Умумий йиғилиш

5.4. Умумий йиғилиш Уюшманинг олий бошқарув органидир.

5.5. Умумий йиғилишнинг асосий вазифаси Уюшма томонидан ўз мақсадларига амал қилинишини таъминлашдан иборат.

5.6. Умумий йиғилиш ваколатига қуйидаги масалаларни ҳал қилиш киради:

- а) Уюшманинг стратегияси ва фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- б) Уюшманинг мол-мулкни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тамойилларини белгилаш, Уюшмага унинг аъзолари томонидан тўланадиган бадаллар ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдори ва уларни тўлаш тартибини белгилаш;
- в) Уюшманинг мол-мулкни тасарруф қилиш;
- г) ушбу Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- д) Уюшма Раисини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан аввал тугатиш;
- е) Уюшма Раисининг тақдимномасига кўра Уюшма Директорини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан аввал тугатиш;
- ж) Уюшма Раисининг тақдимномасига кўра унинг алоҳида бўлинмалари раҳбарларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан аввал тугатиш;
- з) Умумий йиғилиш, Уюшма Раиси, Уюшма Директори, алоҳида бўлинмаларнинг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш;
- и) тафтиш комиссиясининг сон жиҳатидан таркибини аниқлаш, тафтиш комиссияси аъзоларини (тафтишчини) сайлаш ва улар ваколатларини муддатидан аввал тугатиш;
- к) аудиторлик ташкилотини жалб этиш ва у билан тузиладиган шартнома шартларини тасдиқлаш;
- л) аъзоларни Уюшмадан чиқариш;
- м) Уюшма таъсисчи бўлган тадбиркорлик тузилмаларини тузиш ва тугатиш, Уюшманинг бошқа бирлашмаларда иштирок этиши;
- н) Уюшманинг харажатлар сметасини ва штатлар жадвалини тасдиқлаш;
- о) Уюшманинг йиллик ҳисоботи ва йиллик бухгалтерия балансини тасдиқлаш;
- п) Уюшма Раиси ва Директорининг ҳисоботларини эшитиш ва қабул қилиш;
- р) Уюшмани қайта ташкил қилиш ва тугатиш;
- с) қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу Уставда белгиланган бошқа масалалар.

5.7. Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши йиллик ва навбатдан ташқари бўлиши мумкин, бевосита ёки масофадан туриб ўтказилиши мумкин.

5.8. Йиллик Умумий йиғилиш Уюшма Раиси томонидан бошқа мажлислардан қатъи назар молия йили тугагандан сўнг 6 (олти) ойдан кечиктирмай ўтказилади.

5.9. Йиллик Умумий йиғилишни чақириш тўғрисида Уюшма аъзолари Умумий йиғилишнинг очилиш санасидан камида 20 (йигирма) календарь кун аввал электрон хабарнома билан огоҳлантириладилар. Хабарномада йиғилиш ўтказилиш жойи, очилиш санаси, ўтказиш вақти ва кун тартиби, Уюшма аъзоларига йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриш чоғида тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан таништириш тартиби кўрсатилади.

5.10. Йиллик Умумий йиғилишда кўриб чиқишга Уюшма Раиси, шунингдек Уюшма аъзоларининг умумий сонидан 10 (ўн) фоизидан кўпроғини ташкил қилувчи аъзолар томонидан таклиф қилинган масалалар олиб чиқилади.

Уюшма Раиси йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишнинг кун тартибини тасдиқлайди.

Қўмита ёки комиссия ваколатига кирувчи масалалар тегишли қўмита ёки комиссиянинг хулосаси бўлган тақдирда Уюшма Раиси томонидан Умумий йиғилиш кун тартибига киритилади.

5.11. Навбатдан ташқари Умумий йиғилиш қуйидаги ҳолларда чақирилиши мумкин:

а) Уюшма Раиси томонидан Уюшма манфаатларига оид ва зудлик билан ҳал қилишни талаб қилувчи масалаларни ҳал қилиш учун;

б) тафтиш комиссияси (тафтишчи) талабига кўра;

в) Уюшма аъзоларининг камида 10 (ўн) фоизини ташкил этувчи Уюшма аъзолари талабига кўра.

Уюшма Раиси Уюшма аъзоларининг барча Умумий йиғилишларини уларни чақириш ташаббускоридан қатъи назар ўтказилишини таъминлайди. Уюшма аъзоларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши ташаббускори Уюшма Раисига аъзоларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабни уни ўтказишнинг тахминий санасидан камида 30 (ўттиз) календарь кун аввал йўллаши шарт.

5.12. Навбатдан ташқари йиғилиш Умумий йиғилиш ваколатига киритилган ҳар қандай масалаларни ҳал қилишга ҳақли.

5.13. Умумий йиғилишда ташкилот аъзолари номидан иштирок этадиган делегатлар сони ва уларни сайлаш қоидалари Умумий йиғилиш томонидан белгиланади.

Умумий йиғилиш, агар унда делегатларнинг 2/3 қисми ҳозир бўлса, қонуний ҳисобланади. Умумий йиғилиш иши чоғида унинг иштирокчиларига кун тартибига киритилган масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган материаллар (маълумотномалар, нусхалар, лойиҳалар, хулосалар ва ҳоказолар) тақдим этилади.

Умумий йиғилишни ўтказиш учун кворум бўлмаганда, агар Уюшма Раиси томонидан бошқа сана эълон қилинмаган бўлса, икки ҳафтадан сўнг янги Умумий йиғилиш чақирилади. Уюшма Раиси томонидан Уюшма аъзоларининг янги Умумий йиғилишини ўтказишнинг бошқа санасини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, ушбу янги Умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисидаги хабар Уюшма аъзоларига уни ўтказиш санасидан камида 20 (йигирма) календарь кун аввал йўлланади.

5.14. Умумий йиғилиш қарорлари қуйидагилар бўйича қабул қилинади:

а) Уюшмани қайта ташкил қилиш ва тугатиш масалалари бўйича – Умумий йиғилишда иштирок этаётган барча делегатлар томонидан бир овоздан;

б) ушбу Уставнинг 5.6-банди «а»-«ж» кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича – Умумий йиғилишда иштирок этаётган делегатларнинг 2/3 қисми овози билан;

в) кун тартибининг бошқа масалалари бўйича – Умумий йиғилишда иштирок этаётган делегатнинг оддий кўпчилик овози билан.

5.15. Умумий йиғилишда овоз беришда ҳар бир делегат бир овозга эга. Умумий йиғилишда овоз бериш сўров йўли билан ёки масофадан туриб амалга оширилиши мумкин.

Уюшма Раиси

5.16. Уюшма Раиси Уюшманинг фаолиятига умумий раҳбарлик қилувчи орган ҳисобланади. Уюшма Раиси ушбу Устав, Умумий йиғилишнинг қарорларига мувофиқ фаолият юритади. Уюшма Раиси Умумий йиғилиш олдида ҳисобдордир.

5.17. Уюшма Раиси Умумий йиғилиш томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланади.

5.18. Уюшма Раиси қуйидаги ваколатларга эга:

а) Умумий йиғилишни чақириш, Умумий йиғилишни ўтказишни ташкил этиш, Умумий йиғилиш кун тартибини тасдиқлаш, Умумий йиғилишга олиб чиқиладиган барча масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш;

б) Уюшманинг касбий фаолияти стандартлари ва қоидаларини тасдиқлаш;

в) Уюшма аъзолари реестрини юритиш тартибини тасдиқлаш;

г) Уюшма Директори билан меҳнат шартномасини тузиш;

д) Уюшманинг қўмита ва комиссияларини шакллантириш;

е) Уюшмага янги аъзоларни қабул қилиш;

ж) Уюшма фаолияти стратегиясини амалга ошириш бўйича асосий тадбирларни белгилаш;

з) қонунчилик ҳужжатлари, ушбу Устав ва Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинадиган ички ҳужжатлар билан белгиланадиган бошқа ваколатлар.

Уюшма Директори

5.19. Уюшма Директори Уюшманинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилувчи ижро этувчи орган ҳисобланади. Уюшма Директори ушбу Устав, Умумий йиғилиш ва Уюшма Раисининг қарорларига мувофиқ фаолият юритади. Уюшма Директори Уюшма Раиси ва Умумий йиғилиш олдида ҳисобдордир.

5.20. Уюшма Директори Умумий йиғилиш томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланади.

5.21. Уюшма Директори қуйидаги ваколатларга эга:

а) Уюшма Раиси, Умумий йиғилиш кўриб чиқиши учун масала ва таклифларни киритиш;

б) Умумий йиғилиш мажлисларида иштирок этиш;

в) Уюшма номидан битимлар (шартномалар, келишувлар, контрактлар) тузиш;

г) меҳнат шартномаларини ва фуқаровий-ҳуқуқий битимларни тузиш;

д) Уюшманинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

е) қонунчилик ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ банкларда ҳисобрақамларини очиш ва ёпиш, Уюшмада бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини ташкил қилиш;

ж) қонунчилик ҳужжатлари, ушбу Устав, Умумий йиғилиш ва Уюшма Раиси томонидан қабул қилинадиган ички ҳужжатлар билан белгиланадиган бошқа ваколатлар.

Тафтиш комиссияси (тафтишчи)

5.22. Тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчи) Умумий йиғилиш томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланади.

5.23. Уюшма Раиси ва Директори, улар билан яқин қариндош бўлган шахслар, ўриндошлик асосида Уюшманинг бошқа ходимлари тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчи) бўла олмайдилар.

5.24. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) Уюшма молия-хўжалик фаолиятининг режали ҳамда режадан ташқари текширувларини ўтказди. Режали текширувлар бир йилда бир мартадан ортиқ ўтказилмайди. Режадан ташқари текширувлар Уюшма Раисининг талабига биноан ёки Уюшма аъзолари умумий сонидан камида 1/3 қисми ташкил этувчи аъзоларнинг талабига биноан ўтказилади.

5.25. Уюшма аъзолари тафтиш комиссиясига (тафтишчига) ўтказилаётган текширув муносабати билан барча зарур ҳужжатлар, материаллар ва шахсий тушунтиришлар тақдим этилишини таъминлашга мажбур.

5.26. Текширувлар натижалари Умумий йиғилиш эътиборига ҳавола этилади.

VI. Уюшманинг пул маблағлари ва мол-мулкни шакллантириш манбалари, уюшма ва унинг алоҳида бўлинмаларининг мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари

6.1. Уюшма ва унинг алоҳида бўлинмалари пул маблағлари ва мол-мулкни шакллантириш манбалари қуйидагилар:

- кириш ва аъзолик бадаллари;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий равишда берган ҳомийлик маблағлари ва мулклари;
- давлат, банклар ва бошқа қарз берувчиларнинг кредитлари, субсидиялари, грантлари;
- уставга асосан семинарлар, маърузалар, фестиваллар, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни ўтказишдан тушган маблағлар;
- ихтиёрий мулкӣ бадаллар ва эҳсонлар;
- чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан олинган пул маблағлари ва мол-мулклар;
- ишлаб чиқариш, хўжалик ва ноширлик фаолиятидан олинадиган пуллар;
- қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

6.2. Уюшма ва унинг алоҳида бўлинмалари ва бошқа тузилмалари ўз фаолиятини моддий таъминлаши учун зарур бўлган биноларига, иморатларига, иншоотларига, турар жой фондларига, транспортларига, жиҳозларига, инвентарларига, маданий-маърифий ва соғломлаштириш мол-мулкларига, пул маблағларига, акцияларига, бошқа қимматбаҳо қоғозларига ва бошқа мол-мулкларга эгалик қилиши мумкин, шунингдек Уюшма ва унинг таркибидаги бўлинмалар ва бошқа тузилмаларнинг мулклари Уюшманинг умумий мулки ҳисобланади.

6.3. Уюшма устав мақсадларига мувофиқ ўз маблағлари ҳисобидан олган ва ташкил этган муассасаларига, нашриётига, оммавий ахборот воситаларига эгалик қилиши мумкин.

6.4. Уюшма мол-мулкка қонунчилик ҳужжатлари ва Умумий йиғилиш қарорларида назарда тутилган тартибда эгалик қиладилар, фойдаланадилар ва тасарруф этадилар.

Уюшманинг алоҳида бўлинмалари мол-мулкка қонунчилик ҳужжатлари, Умумий йиғилиш қарорлари, Уюшманинг алоҳида бўлинмалари тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда эгалик қиладилар, фойдаланадилар ва тасарруф этадилар.

6.5. Уюшма мол-мулкни алоҳида бўлинмаларига қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида бериши ва қайтариб олиши мумкин.

6.6. Уюшманинг алоҳида бўлинмалари тўғрисидаги низомда алоҳида бўлинмалар томонидан амалга ошириладиган мол-мулк билан боғлиқ бўлган битимларнинг чекланган қиймати белгилаб қўйилиши мумкин.

VII. Уюшманинг алоҳида бўлинмалари

7.1. Уюшма тузилмаси Уюшма ва унинг алоҳида бўлинмаларидан иборатдир.

Уюшма Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида белгиланган тартибда ўзининг алоҳида бўлинмалар (ваколатхоналар ва филиаллар)ини ташкил этади. Уюшманинг алоҳида бўлинмалари ўз фаолиятларини мазкур устав ҳамда Уюшманинг алоҳида бўлинмалари тўғрисидаги низомга асосан амалга оширадilar.

7.2. Алоҳида бўлинмалар ҳудудий адлия органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

7.3. Алоҳида бўлинмалар қуйидагиларга ҳақли:

- ўз ҳудудида Уюшма аъзоларининг малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш;
- молия соҳаси мутахассисларининг касбини ривожлантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;
- ўзи фаолият юритаётган ҳудудда Уюшма аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- қонунчилик ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

7.4. Алоҳида бўлинмалар қуйидагиларга мажбур:

- қонунчилик ҳужжатларига, мазкур Устав ва ўз фаолияти тўғрисидаги низомга амал қилиш;
- ўз ҳудудида Уюшма томонидан қабул қилинган умумреспублика лойиҳаларини амалга ошириш;
- ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ рўйхатга олувчи орган ва бошқа давлат органларига тақдим этиш;
- қонунчилик ҳужжатлари, мазкур Устав ва ўз фаолияти тўғрисидаги низомга мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

7.5. Алоҳида бўлинма раҳбарлигини алоҳида бўлинма директори амалга оширади. У Уюшма Директорига бўйсунди ва Уюшма Директори томонидан бериладиган ишончнома асосида ҳаракат қилади.

VIII. Уюшма фаолиятини тўхтатиб қўйиш

8.1. Уюшма фаолияти у Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунчилик ҳужжатларини бузган тақдирда суд томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин.

8.2. Уюшма фаолияти у қўшилиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш йўли билан қайта ташкил этилганда тўхтатилиши мумкин.

IX. Уюшмани қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби

9.1. Уюшмани қайта ташкил этиш Умумий йиғилиш қарорига биноан бирлашиш, қўшилиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш ва ўзгартириш йўли билан амалга оширилади.

Уюшмани қайта ташкил этиш қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

9.2. Уюшмани тугатиш Умумий йиғилиш қарорига биноан ёки суд тартибида амалга оширилади. Уюшмани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган орган Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

9.3. Уюшмани тугатиш қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

9.4. Уюшма тугатилганда кредиторларнинг талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулк Уюшма аъзолари, шунингдек Уюшма органлари ёки Уюшма ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ҳамда ундан устав мақсади йўлида ёки хайрия мақсадларида фойдаланилади.

Устав қоидаларини Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига зид тарзда талқин қилиш мумкин эмас ҳамда устав қоидаларининг Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига зид тарзда ифода қилинган бандлари ҳақиқий эмасдир.

X. Уюшма уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

10.1. Уюшма уставига ўзгартириш, қўшимчалар киритиш Умумий йиғилиш қарори асосида амалга оширилади.

10.2. Уюшма уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган Уюшма қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим. Уюшма уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Уюшма қайта рўйхатдан ўтгач қонуний кучга эга бўлади.